ТАШКЕНТ–СКОПЈЕ
Да живее пријателството!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 12 (5603).
15 ЯНВАРЬ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

● «Ксенжка и ведза» нашриёти совет «Прогресс» нашриёти билан биргаликда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг «Партия ва давлат аппарати иши масалалари» китобини поляк тилида чиқарди.

Китоб К. У. Черненконинг поляк китобхонларига 1984 йилнинг августида ёзилган мурожаатномаси билан очилади. Ушбу мурожаатнома тексти бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● 14 январь куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Президиум иттифоқдош, автоном республикалар Олий Советларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказишга тайёргарликнинг борыши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг сиёсий обзорчилар билан суҳбати берилган.

УЛКАН МАРРАЛАР ЧОРЛАЙДИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1985 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг тўртинчи йилида халқ хўжалиги барча тармоқлари ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга янги марраларга эришдилар.

Республика меҳнаткашлари партия Марказий Комитетининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Ўзбекистон экономикасини янада интенсив ривожлантиришни, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларига жавобан ўз резервлари ва имкониятларини ҳар томонлама чамалаб кўриб, зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни қабул қилдилар:

меҳнат коллективларининг куч-ғайратлари ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан янада самарали фойдаланишга, уюшқоқликни оширишга, интизом ва тартибни кучайтиришга сафарбар этилади. Шунинг ҳисобига халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини 0,5 процент арзонлаштиришга эришилади. Белгиланган топшириққа қўшимча равишда 118 миллион сўмлик моддий ресурслар иқтисод қилинади, тежалган хом ашё, материал ва ёқилғи ҳисобига камида икки кун ишлаб берилади. Маҳаллий хом ашё ва иккиламчи ресурслардан 440 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Саноатда меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш, меҳнат ресурсларини жамоат ишлаб чиқаришига актив жалб этиш асосида асбоб-ускуналарнинг смена коэффициенти 5 процент оширилади. Ишлаб чиқариш умумий ҳажми плани муддатидан илгари бажарилади ва қўшимча равишда 150 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 100 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари реализация қилинади. Пландан ташқари 105 миллион куб метр газ, 40 минг тонна кўмир қазиб олинади, 20 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади, 100 та трактор, 100 та пахта териш машинаси, 1,5 миллион квадрат метр ип газлама ва шойи газлама, 110 минг дона ички ва устки трикотаж тайёрланади. Янги моллар ва айниқса, модали буюмлар ишлаб чиқариш топшириғи ошириб бажарилади. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари бажарилиши таъминланади.

215 та участка, цех ва корхона комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. 155 та поток ва автомат линия, 135 та робот техникаси ишга туширилади. 11 минг киши қўл меҳнатидан механизациялаштирилган меҳнатга ўтказилади. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқдагидан 2 процент кўпайтирилади. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этишдан камида 190 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади.

Капитал қурилишда ишга туширилади объектларга меҳнат ва моддий ресурслар жамланади, замонавий материаллар ва конструкциялар, ишнинг илғор усуллари жадал жорий этилади ва қурилишнинг нормадаги муддатларига, объектларни бир маромда фойдаланишга топширишга, қуриб битказилмаган корхоналар камайтирилишига ва иш сифати оширилишига эришилади. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг камида 60 процента бригада пудрати усулида бажарилади. Тошкент мотор заводида двигателлар, ГПЗ-27 да подшипниклар ишлаб чиқарадиган қувватлар муддатидан илгари ишга туширилади. 6,3 миллион квадрат метр уйжой, 113 минг болага мўлжалланган мактаблар ва 34 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 4,6 минг ўринли касалхоналар, 7 минг беморни қабул қиладиган поликлиникалар фойдаланишга топширилади. Ноқоратупроқ ўлка областларига оталиқ ёрдами кўрсатиш, Тюмень областида йўллар қуриш ва БАМда уйжой посёлкалари бунёд этиш соҳасидаги ишлар бажарилади.

Транспорт барча турлари ишининг самарадорлиги оширилиб, топшириқдан ташқари 2,6 миллион тонна юк ташилади. Корхоналарнинг кучи билан 25 минг вагон ремонт қилинади, транспортда аҳолига хизмат кўрсатиш яхшиланади.

Қишлоқ хўжалигида Озиқ-овқат программасини бажаришга, суғориладиган гектар самарадорлигини оширишга асосий эътибор жалб қилинади. Пахта ҳосили сифатини оширишга куч-ғайрат сафарбар этилади ва давлатга пландан ташқари 11 минг тонна тола етказиб берилади. 31 минг тонна пилла, 1820 минг тонна сабзавот, 665 минг тонна полиз маҳсулоти, 165 минг тонна картошка, 985 минг тонна мева ва узум, 335 минг тонна қорамол ва парранда, 920 минг тонна сут, 1150 миллион дона тухум харид қилиш таъминланади. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорларини бажара бориб, 105 минг гектар майдондаги суғориш системалари реконструкция қилинади ва уларни сув билан таъминлаш оширилади, 90 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Чорвачилик маҳсулотини кўпайтиришнинг барча резервлари ишга туширилади, фермаларда меҳнатни механизациялашни ўстиришга эришилади, чорва қишлови уюшқоқлик билан ўтказилади.

Чакана товар оборoти ва **маиший хизмат** реализация қилиш планлари барвақт бажарилади. Меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш маданияти оширилади. 70 минг квадрат метр ҳажмдаги савдо корхоналари, 36 минг ўринли умумий овқатланиш корхоналари тармоғи кенгайтирилади. Корхоналар билан биргаликда 56 та маиший хизмат уйи, ателье ва устахона қурилади, 150 та комплекс қабул пункти, уларнинг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларида очилади.

Республика меҳнаткашлари совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини юксак ютуқлар билан нишонлашга аҳд қилганлар ва энг муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишда ўз куч-ғайратларимизни кўпайтирамиз, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб оламиз, деб КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига ваъда бердилар.

Социалистик мажбуриятлар республика меҳнаткашларининг коллективларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Добро дојдовте драги гости од братска ЈУГОСЛАВИЈА!

● ТОШКЕНТ. 15 январь, 1985 йил. Македония Социалистик Республикаси делегациясининг Тошкент аэропортида кутиб олиниши.
Т. Каримов фотоси.

Скопле шаҳри делегацияси Тошкентда
САМИМИЙ, ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

«Хуш келибсиз, азиз македониялик дўстлар!» Македония Социалистик Республикасининг пойтахтидан бугун келган меҳмонларга қаратилган бу қутлов сўзлари Тошкент аэропорти пештоқида уч тилда — македонча, ўзбекча ва русча тилларда ёзилган. Ёш тошкентликлар делегация аъзоларига гуллар тақдим қилдилар. Делегацияга Македония Коммунистлар Союзи шаҳар комитетининг Раиси Петар Кароянов бошчилик қилмоқда. Скопле шаҳар Кенгаши ижроия Совети раисининг ўринбосари Иван Митревски, шаҳар комитети аъзоси, Македония Социалистик Республикаси музейи директори Коста Блабанов, делегация секретари Седомир Цветковски Ўзбекистон пойтахтига келдилар.

Югославиялик меҳмонларни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Делегация аъзолари 15 январда Тошкент шаҳар партия комитетида қабул қилиндилар, бу ерда уларга КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажариш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг иши тўғрисида ҳикоя қилиб берилди. Шундан кейин меҳмонлар В. И. Ленин ҳайкалига ва Номаълум солдат қабрига гуллар қўйдилар. Ҳурматли меҳмонлар Совет Ўзбекистонининг пойтахти билан танишдилар, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи, революция доҳийси номи билан аталувчи метрополитенни ва шаҳарнинг янги қурилишларини кўздан кечирдилар.

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Македония — Югославия Социалистик Федератив Республикасига кирган олтита социалистик республикадан биридир. Унинг пойтахти — Скопле. 1963 йил 26 июль топготарида бир дақиқанинг ўзида уй-жой биналари ва корхоналар корпусларининг 80 процентини вайрона қилган табиий офат — зилзила содир бўлгандан бўён орадан йигирма йилдан ортиқ вақт ўтди. Ҳозирги пайтда харобалардан қайта қад кўтарган шаҳарнинг янги корхоналари ва болалар боғчалари биналари ўзига хос архитектураси билан шаҳар аҳолиси ва унинг меҳмонларида қизиқиш уйғотмоқда. Яқиндагина Македонияда совет мутахассислари ёрдамида қурилган Битолск иссиқлик электр станцияси ишга туширилди. Бу СССР ва Югославия давлатлари ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг талай адресларидан биридир.

Ҳозирги пайтда республиканинг иқтисодий картасида Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган ва бунёд этилаётган 16 корхона ва бошқа объектлар ўз ифодасини топган. Скопле металлургия заводида совет пўлат қуйиш технологияси ишлаб турибди.

Скопле Тошкент билан биродарлашган. Боғланган катта дўстлик алоқаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Биродарлашган шаҳарнинг делегацияси Тошкентда меҳмон бўлган эди. Ўзбекистонда Македония маданияти кунлари ҳам ўтказилган эди. Серқуёш диёримиз бу ўлканинг санъат усталари, ижодий коллективлари, ёзувчилари ва шоирларини азиз меҳмонлардек кутиб олган эди.

Ўтган йилнинг июль ойида Македония Социалистик Республикасида Ўзбекистон ССР маданияти кунлари тантанали ўтказилди.

Ўзбекистон телевиденнеси орқали Македония телевиденнеси программаси — Скопле ҳаёти кўрсатилди. Скопледа эса Ўзбекистон телевиденнеси программаси кўрсатилди. Бугунги кунда биз тўла ҳақли равишда «Тошкент — Скопле: Дўстлигимиз абадийдир» деб баралла айта оламиз. Биз бу дўстликни амалий ҳамкорлик билан икки томонлама мустаҳкамлашга комил ишонч билан қараймиз.

Театрларимиз саҳнасида Югославия драматургларининг пьесалари бир неча бор қўйилди. Македонияда эса Ўзбек поэзияси антологияси нашр этилган. Скопле ва Тошкент концерт заллари саҳналарида биродарлашган шаҳарларнинг санъат усталари маҳоратни намойиш этишди.

Яқиндагина «Баҳор» рақс ансамбли ижодий коллективи Скопледа концертлар берди.

— Биз дўстларимизга македонча рақсни тайёрлаб борган эдик. Улар бизларни энг қадрдон меҳмонлардек кутиб олдилар. Биз ўз навбатида азиз томошабинларимизга, дўстларимизга қалбимизнинг меҳр ва муҳаббатини армуғон этдик, — дейди ансамбль бадиий раҳбари Қундуз Миркаримова.

Самарали ижодий алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Бунинг исботи сифатида бугун биз Македония Коммунистлар Союзи шаҳар комитетининг Раиси Петар Кароянов бошчилигидаги Скопле шаҳри делегациясини кутиб олаётиб шундай деймиз: «Хуш келибсиз!» — «Добро пожаловать!» — «Радосна средба на узбекската земна!».

ЗАМОНАВИЙ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИДА

Кеча Тошкент шаҳар партия комитетида «Идеология ишига партиявий раҳбарлик: тажриба, муаммо, ўзига хос хусусиятлар» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров «Ўн биринчи беш йиллик ва унинг якунловчи йилини идеологик жиҳатдан таъминлаш бўйича партиявий раҳбарлик ва уни такомиллаштириш йўллари» тўғрисида доклад қилди. Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова идеология ишларининг услуб ва методларини такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан бири бўлган кадрларнинг сиёсий етуклиги ва ўз ишининг билимдонлиги масалалари тўғрисида қўшимча доклад қилди.

Конференцияда идеологик ва оммавий-сиёсий ишнинг турли томонлари, унинг коммунистик қурилиш практикаси билан, КПСС XXVI съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини амалга ошириш билан боғлиқлиги кўриб чиқилди. Идеология ходим кадрларини ҳар томонлама тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Меҳнат коллективларидаги ғоявий-тарбиявий ишлар, кўргазмали агитация воситалари ролининг ўсиши, ишчилар меҳнат активлигининг ривожланиши ҳақида ҳам конференция қатнашчилари гапирдилар. Ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш, уларни революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш йўллари, катта кўламли иқтисодий эксперимент ҳамда меҳнатни ташкил этиш бригада формасини жорий этиш шароитларида ғоявий-тарбиявий иш хусусиятлари муҳокама қилинди. Атеистик тарбияни кучайтириш муҳимлиги конференцияда таъкидлаб ўтилди.

Конференцияда Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Асепков, 11-«Висотстрой» трести партия комитети секретарининг ўринбосари Н. П. Николаева, Фрунзе район партия комитетининг секретари Т. И. Искандаров, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков, Октябрь район партия комитетининг иккинчи секретари А. Е. Викторов, «Средазкабель» бирлашмаси партия комитетининг секретари В. А. Андронов сўзга чиқдилар.

Илмий-амалий конференция қатнашчилари идеология ишига партиявий раҳбарлик бўйича тавсиянома ишлаб чиқдилар ва қабул қилдилар.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАНДИ

Республикада ўтаётган округ сайловолди кенгашларида Ўзбекистон давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида меҳнаткашлар коллективлари йиғилишларининг қарорлари яқдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда.

Кенгашларнинг қатнашчилари Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводи пўлат эритувчиси **Евгений Александрович Маршалов**, Ўзбекистон Архитекторлар союзи правленнеси раиси **Тўлқиной Фозилжоновна Қодирова**, «Стройпластмасс» комбинати слесари **Сергей Николаевич Шейкин**, Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари **Сайфулла Давирович Сайдалиев**, академик Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори **Маҳмуд Мирзаевич Мирзаев**, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари **Юрий Сергеевич Шкрябин**, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети раиси **Иқлилоб Турсуновна Юсупова**, Бухоро область Шофиркон районидаги Ленин номли колхоз аъзоси **Барчин Ҳайдарова**, Жиззах областидаги К. Маркс номли совхоз механизатори **Тошпўлат Ғойибназаров**, «Джизакстепстрой» территориал бошқармаси бошлиғи **Хурсанд Тошев**, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети секретари **Виктор Петрович Кузьмин**, «Иржарсовхозстрой» трестига қарашли 15-механизациялашган кўчма колонна сувоқчи-бўёқчилар бригадири **Нина Петровна Мамедова**, Жиззах областидаги «Қизилқум» совхози чўпони **Дариха Есенбаевна Абдуллаева**, Қашқадарё областидаги «Оқолтин» совхози механизатори **Ўткир Очилович Азимов**, Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитети раиси **Аҳмаджон Муҳамаджонович Ҳожибоев**, Наманган область Уйчи районидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси **Маъсудахон Тўрабоевна Ҳотамова**, Денов пахта тозалаш заводи слесари **Александр Михайлович Черников**, Сирдарё область Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхоз сут соғувчиси **Урхия Маҳкамбоевна Бакирова**, Хоразм область Хива районидаги Ленин номли колхоз аъзоси **Онабиби Юсупова**, Хоразм область Янгибозор районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси **Турсуной Юсупова**, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раиси **Марат Жуманиёзович Юсупов**, Қорақалпоғистон АССР У. Юсупов номли совхоз механизатори **Дамегул Есенбаевна Айбосинова** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганликларини қўллаб-қувватладилар.

ЮКСАК ИШОНЧ

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Сайловолди йиғилишларида «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўровчиси **Ноила Лутфуллаевна Холиқова** Тошкент шаҳар 16-Куйбишев сайлов округидан, Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг студенти **Гулчеҳра Йўлдошевна Бобожонова** 27-Ўзбекистон сайлов округидан, Тошкент бирлашган авиация отряди ИЛ-86 самолётининг командири **Ғайрат Абдужалилович Саримсоқов** 40-Чоштепа сайлов округидан, «Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси **Павел Васильевич Семенов** 58-Ўмбробод сайлов округидан, республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилдилар. (ЎзТАГ).

● Газетанинг шу сонига фотоахборот

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ ИШГА ТУШДИ

Диққат, янгилик!

БУГУН

Тошкентнинг энг баланд нуқтасида қад кўтарган 375 метрли радио-телевизион минора ишга тушди. Янги антенна дастлабки радио ва телевизион эшиттириш ва кўрсатувлар программасини эфирга тарқата бошлади.

Миноранинг шу ҳолга келиши учун қурувчилар роппа-роса олти йил меҳнат қилдилар. Мана бу меҳнатнинг маҳсули: олис космосга учиш учун шай турган космик кемани эслатувчи 6 минг тоннали улкан ва шу билан бирга Иттифоқимизда ноёб иншоот бўлмиш Тошкент антеннаси кенгайтирилган радиус бўйича илк бор эфирга чиқди. Эндиликда пойтахт области ва Сирдарё областининг (Сирдарё, Гулистон, Ворошилов) районлари аҳолиси сифатли телекўрсатувларни томоша қиладилар. Шунингдек, рангли тасвирдаги телекўрсатувларнинг сифати анча яхшиланади.



• АГИТАТОРЛАРГА ЁРДАМ

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЭНГ ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ СИСТЕМАСИ

СССРда социалистик революция ва ривожланган социализмнинг қурилиши жараёнида жаҳонда энг демократик сайлов системаси қарор топди. Бу адолатли сайлов системаси депутатларнинг бевосита сайловчилар томонидан сайланиши ва ўз сайловчиларининг ишончини оқламаган депутатларни чақириб олиш ҳуқуқи билан, Советларда мамлакатимиздаги барча синфлар ва социал гуруҳларнинг, барча миллат ва халқларнинг вакиллари кенг иштирок этишини таъминлаш билан, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан олиб борилаётган кўп қиррали ташкилотчилик ишларида ва сайлов тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилишда жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар коллективларининг актив иштирок этиши билан характерланади. Шунингдек, депутатликка номзодларни ишчанлик, сиёсий ва ахлоқий сифатларига қараб танлашда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг депутатликка номзодларни муҳокама қилиш ва кўрсатишда кенг иштирок этиши билан, сайловларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларга давлатнинг маблағ ажратиши билан, халқ вакиллиги органларини ташкил этиш соҳасидаги ҳамма ишларда КПССнинг бевосита раҳбарлик йўли билан характерланади.

СССРнинг янги Конституцияси Совет давлатининг бутун тарихи давомида қарор топган ва синовдан ўтган совет сайлов системасининг асосий принципларини мустаҳкамлади. Жумладан, Конституциянинг 95-моддасида бундай дейилади: «Халқ депутатларининг ҳамма Советларига депутатлар сайлаш умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади».

Сайлов ҳуқуқи— бирон-бир давлатнинг демократик давлат эканлигидан далолат берувчи энг муҳим кўрсаткичдир. Социалистик жамиятда бўладиган сайловда овоз бериш — расмиятчилик эмас, балки сайловчиларнинг энг юксак ҳоқиш-иродасини яққол намоён қилувчи ҳаракатдир. Овоз берилиши натижасида депутатликка номзод халқнинг ҳокимият органидаги тўла ҳуқуқли вакили, халқ иродаси ва манфаатларининг ифодачиси бўлиб қолади.

СССРнинг янги Конституцияси сайлов системасига муҳим демократик ўзгаришлар киритди. Агар илгариги Конституцияга биноан СССР Олий Советига фақат 23 ёшга тўлган шахсларгина, иттифоқдош республикаларнинг Олий Советига 21 ёшга тўлган кишиларгина сайланиш ҳуқуқига эга бўлган бўлсалар, энди СССРнинг 18 ёшга тўлган гражданлари СССР Олий Советидан ташқари ҳамма Советларга сайланишлари мумкин. СССР Олий Совети умумдавлат аҳамиятига эга бўлган жуда масъулиятли қарорларни қабул қилиши сабабли бу Советга сайланиш ҳуқуқи 21 ёшдан берилади.

Советларнинг СССР Олий Советидан ташқари барча бўғинларига депутат бўлиб сайланиш учун 18 ёшнинг белгиланганлиги жамиятимиз ва жонажон партиямизнинг ёшлар тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг, уларга бўлган катта ишончнинг яққол намоён бўлишидир.

Социалистик демократиянинг реал кўринишларидан бири шуки, сайловчилар ўз депутатларига наказлар берадилар. Сайловчиларнинг наказлари билан ишлаш борасида тўпланган тажриба СССР Конституциясининг 102-моддасида мустаҳкамланди. Наказлар сайловчиларнинг сайлов олди йиғилишларида берилади, наказларни ҳисобга олиш, кўриб чиқиш ва бажариш тартиби қонун томонидан белгиланади.

Социалистик сайлов системасида СССР гражданлари ва уларнинг оммавий жамоат ташкилотларига, совет давлат органларига сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда бутун шарт-шароитлар, ҳамма имкониятлар яратилган. Гражданлар ва жамоат ташкилотларининг депутатликка номзодларнинг сиёсий, амалий ва шахсий хислатларини эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилиш, шунингдек, йиғилишларда, матбуотда, телевидение ва радио орқали агитация юргизиш ҳуқуқи гарантияланади.

Ривожланган социализм даврида Советлар фаолияти социалистик демократиянинг ташкилий-оммавий ишларини уюштиришда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Халқ депутатлари Советлари ҳозирги даврда олиб бораётган ташкилий-оммавий ишларининг мазмуни ва моҳияти кенг. Совет ва унинг ижро органлари ишларини пухта ўйлаб тузилган истиқболли план асосида ташкил қилиш, доимий комиссиялар, ижро органларининг хўжалик ва социал-маданий қурилишдаги ташкилотчилик роли кўтариш, гражданларнинг ижроия комитет ходимлари ва депутатлар томонидан қабул қилинишини ташкил этиш, уларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини вақтида қараб чиқиш ва мазмунан ҳал этиш, сайловчилар наказ ва таклифларининг бажарилишига эришиш, иқтисодий ва социал-қурилиш планларини бажариш юзасидан социалистик мусобақани ташкил этишни бошқариш кабилар шулар жумласиндандир. Тошкент шаҳар ва район Советлари ҳам ташкилий-оммавий ишларида социалистик демократия принциплари талабларига тўлиқ амал қилиб, ўз ишларида ижобий натижаларга эришмоқдалар.

Советларга сайловларнинг ҳаммасида партиямиз партиясизлар билан блок тузиб қатнашади. Бу блок партия билан халқ бирлигининг, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар бузилмас иттифоқининг ёрқин ифодасидир. Коммунистлар партиясининг халқ баҳт-саодатини кўзлашдан бўлак олий мақсади йўқ. Бу сиёсат Ватанимиз экономикаси ва маданиятини янада кўтаришга, кишиларнинг фаровонлигини оширишга, тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатдир.

Маълумки, 1985 йил 24 февраль, якшанба куни Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар ўтказилади. Ҳамма жойда бу катта сиёсий воқеага пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, бу галги сайлов ҳам социалистик демократия ривожланишида муҳим босқич бўлади.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг совет қурилиши сектори мудири.

КПСС Марказий Комитети

июнь Пленуми қарорлари —амалда!

ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР АСОСИДА

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида қўйилган юксак талаблар асосида иш юритишга интилаётган кўпгина бошланғич партия ташкилотлари муайян ижобий натижаларни қўлга киритмоқдалар. Партия ва комсомол ўқуви, иқтисодий таълим шаҳобчаларида машғулотлар янада сермазмун, қизиқарли ўтмоқда.

Биз йирик корхоналар партия маорифи кабинетлари мудирларига бир неча савол билан мурожаат этдик. Қуйида уларнинг жавобларини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

ПРОПАГАНДИСТ МАҲОРАТИГА БОҒЛИҚ

В. КРАМАРЕНКО,
«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия маорифи кабинетининг мудири.

— Ўқув машғулотларида ҳозирги юксак талаблар қандай акс этяпти?

— Маълумки, бу йил КПСС Марказий Комитети «Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида» қарор қабул қилди. Унинг аҳамияти нақадар беқиёс эканлиги равшан, албатта.

Владимир Ильич Ленин таъбири билан айтганда 1905—1907 йиллардаги революция Улуғ Октябрнинг бош репетицияси бўлди.

Дарвоқе, шундай катта аҳамият касб этган воқеани кенг нишонлаш ҳақидаги партиямизнинг бу қарори ўқув машғулотларида кенг ўрин олмоқда.

Партия ўқуви мактабларида КПСС Марказий Комитетининг ушбу қарори асосида партия тарихи чуқур ўрганилмоқда. Масалан, янги йил дастлабки машғулотларидан бирида бу қарорларнинг моҳияти, 1905 —1907 йиллардаги революция оммани катта сиёсий тажриба билан бойитгани ҳақида мазмунли суҳбат бўлди. Қисқаси, ҳар бир машғулотни ҳозирги талабларни ҳисобга олган ҳолда ўтказишга интиляпмиз.

— Бунда пропагандист ролига қандай эътибор берилянти?

—Ҳамма гап уларнинг билими ва маҳоратига боғлиқ, албатта. В. Будилин, Н. Калинин, Б. Ахтямов, Б. Лукинов, А. Осипов, А. Мустафоев сингари пропагандистларимиз борки, биз уларнинг ҳар бир машғулотидан қониқиш ҳосил қиляпмиз. Уларнинг асосий эътибори тингловчиларнинг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажаришларига қаратилган. Масалан, ўтган йилги якун қувончли бўлди. Бутун корхонамиз планларни барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари адо этди. Тингловчиларимиз муваффақиятли равишда реферат ёзмоқдалар...

— Ўқувнинг мароқли ўтишига қандай шароитлар яратиб берилган?

— Аввало, барча мактаблар учун шинам, ёруғ хоналар ажратилган. Улар барча зарур адабиётлар, кўргазмали воситалар билан таъминланган. Пропагандистлар учун доимий семинар ишлаб турибди. Тошкент олий партия мактаби ўқитувчилари партия пропагандаси методикаси бўйича лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

МУҲИМ МУАММОЛАРГА—ЭЪТИБОР

Н. КУЗЬМИН,
«Ташсельмаш» заводи партия маорифи кабинети мудири.

— 1985 йилда қандай муаммоларга эътибор қаратилянти?

— Аввало, иқтисодий эксперимент шароитларида ишлашга қўшилиб, ресурсларни иқтисод қилиш, хом ашё, энергиядан тўла фойдаланиш, уни тежаш эвазига икки кун ишлаб беришга асосий эътибор берилянти. Бу деярли барча машғулотларда ўз аксини топянти.

Куни кеча «Ишлаб чиқаришда ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий эксперимент: мақсад, вазифа ва муаммолар» мавзуида қизиқарли суҳбат ўтказдик. Завод план-иқтисод бўлими бошлиғи Л. Волкова бу ҳақда кўпгина янгиликларни сўзлаб берди.

Биз партия-хўжалик активи мактабига катта эътибор беряпмиз. Унда тингловчилар «Ривожланган социализмнинг актуал проблемалари» курсини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Бунда пропагандистлар бор маҳоратларини ишга солишянти.

Партия маорифи шаҳобчаларида 34, иқтисодий таълим шаҳобчаларида эса 30, комсомол маорифини ҳам қўшиб ҳисоблаганда жами 87 пропагандист машғулот ўтказмоқда. Шундан партия маорифи соҳасида 17 мактабда иш олиб боришянти. Меҳнат ва иш ҳақи бўлими катта инженери Владимир Василенко, 22-йиғув цехи бошлиғи Михаил Гвоздёв ва бошқалар айниқса фаоллик кўрсатишянти.

— Тингловчилар активлиги ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳеч сўзсиз, улар ҳам катта активлик кўрсатишянти. Масалан, 10-цех бошлиғи Г. Хацринов — партия-хўжалик активи мактаби тингловчисидир, асбобсозлик бўлими бошлиғи В. Симченко ҳам. Улар машғулотларда олган билимларини амалда қўллашга астойдил интилмоқдалар. Энг муҳими, бошқаларни олдимизда турган долзарб вазифаларни ҳал этишга сафарбар этмоқдалар.

Шуни ҳам айтиб ўтишни истардимки, ўзим тўққиз йилдан бери пропагандистлар ишига бошчилик қилиб келаётган бўлсам, уларга барча қулайликни яратишга ҳаракат қилиб келяпман. Ҳозир пропагандистлар учун ўтган йил якунлари бўйича иқтисодий бюллетень тайёрлаяпмиз.

Мақсадимиз — партия XXVII съездига, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига муносиб меҳнат армуғонлари тайёрлаш. Кўпгина тингловчиларнинг меҳнат календарида 1986 йилга ҳисоб очилгани қувончлидир.

• *Фан—ишлаб чиқаришга*

ЁРИТАДИ ВА ИСИТАДИ

МЭЛЗ бирлашмасида ишлаб чиқарила бошлаган лампалар чоғроқ теплицаларга мўлжалланган. Металлогалоген чироқларнинг нур спектори кўп жиҳатдан қуёш нурига ўхшаб кетади: у ўсимлик учун энг навли хоссаларга эга. Икки лампадан иборат битта прибор 12 квадрат метр саҳнли теплицани ёритиш ва иситиш учун кифоя қилади.

Бундай иссиқлик ва нур манбалари шу йилнинг охиридан ишлаб чиқарила бошлаши мўлжалланганди. Корхонада ички резервлардан фойдаланиб, керакли машина-ускуналар жадал суръат билан яратилди. Масалан, механика хизмати контроль-ўлчов стендларини, материалларга термик ишлов бериш қурилмаларини ясаб берди.

Шу йил бирлашмада беш мингта металлогалоген лампалар ясаш мўлжалланади.

Москва.
(ТАСС мухбири).

Ўсиш стимулятори

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг олимлари ишлаб чиққан усул экинлар азотли ўғитни тамомила сингдиришига имкон беради. Бунинг моҳияти шуки, тупроқда азот илгари бўлиб келганидек, ўн кун эмас, балки 60—70 кун сақланади.

Тадқиқотчилар минерал ўғитга кальций цианамидини қўшишни таклиф этдилар. Бу модда икки хил роль ўйнайди. Биринчидан азотли бирикманинг тез учиб кетишига йўл қўймайдиган комонент вазифасини ўтаса, иккинчидан ўзи экин ўсишининг яхши стимулятори ҳисобланади. Чунки унинг таркибида Ўрта Осиё тупроғи учун ғоятда зарур бўлган калций моддаси бор.

Олимлар бошқа бир проблемани ҳам ҳал этдилар — цианамид тайёрлаш технологиясини соддалаштирдилар.

(ЎзТАГ).

Тошкент экскаватор заводида кўплаб беш йиллик илғорлари меҳнат қилишади. Заводнинг Қаҳрамон Шодиев бошлиқ бригада коллективи ўз зиммаларига олган топшириқларни муддатидан илгари ўрнилаш учун курашишмоқда. Бригада аъзолари бир неча бор корхонада ташкил этилган социалистик мусобақада ғолиб чиқишган.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Қ. Шодиев.

М. Нуриддинов фотоси.

• Депутатлар ҳақида ҳикоялар

ОЛҚИШ

Инсон бахтини ўз қўли билан яратади дейишади. Муборак ҳам ўз бахтини ўзи яратаётган қиз. У ўн олти ёшида саккизинчи синфни битириб Тошкент ёғ-мой комбинатига ишга келган. Шунга ҳам олти йил бўлди. У эндиликда майонез цехининг малакали ишчиларидан бири. Муборак ишлайдиган конвейерда бир кунда ўнлаб тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Муборак ёғ-мой комбинати коллективи ўртасида актив жамоатчи сифатида ҳам танилди. У тиниб-тинчимайди. Коллективнинг ташвишлари билан яшайди. Шу боисдан уни Тошкент шаҳар Совети депутати этиб сайлашган. Халқ депутати Муборак Эрматова сайловчиларнинг ишончини оқлаб, депутатлик бурчини яхши бажарянти.

Бир мисол. Илгари майонез солинадиган идишлар ювиладиган машина анча секин ишларди, тез-тез бузилиб ҳам қоларди. Цех ишчилари депутат Муборак Эрматовага мурожаат этиб, цехни янги техника билан жиҳозлашда депутат сифатида кўмаклашишини сўрашди. Муборак комбинат раҳбарлари билан суҳбатлашиб, иш шароитини яхшилаш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди. Комбинат маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари унинг фикрини қўллаб-қувватлашди. Эски жиҳозларни янгилаш ишлари тезлаштириб юборилди. 1984 йилнинг август ойида майонез солинадиган идишлар ювиладиган янги машина ишга туширилди. Шунингдек, идишларга ёрлиқлар қўювчи янги жиҳозлар ҳам ўрнатилди. Натижада цехда қўл кучи билан бажариладиган оғир ишлар барҳам топди.

Илгари ишчилар тушлик пайтида овқатланиш учун анча жойга бориб келишга мажбур бўлишарди. Айрим ишчилар тушликни уйларида қилиб келардилар. Эндиликда цех ёнида шинам ошхона очилди. Ана шу ишларнинг амалга оширишда шаҳар Совети депутати Муборак Эрматованинг муносиб ҳиссаси бор.

Ёғ-мой комбинати ишчи ва хизматчиларининг фарзандлари учун замонавий икки қаватли болалар боғчаси ишга туширилиши, Тошкентнинг Ҳамза районида янги савдо ва маиший объектлар қурилиши, кўчалар равонлаштирилиб ёритгичлар ўрнатилиши, аҳоли учун бошқа қулайликлар яратилишида ҳам Муборак жонбозлик кўрсатган. У сайловчиларнинг барча наказларини сидқидилдан адо этянти.

Халқ ишончини оқлаётган сергайрат қиз эндигина йигирма икки ёшга тўлди. Унинг орзулари мўл. Нияти институтга ўқишга кириб олий маълумотли бўлиш, ўз халқига, Ватанга кўпроқ фойда келтириш. У шеър ёзишни машқ қилади. Ўз шеърларини қўшиқ қилиб айтади. У яқинда бир байрам оқшомида она ҳақидаги қўшиғини куйлаганида ҳамкасблари уни олқишлар билан кутиб олишди. Ҳа, депутат Муборак Эрматованинг барча ишлари олқишга сазовор.

М. МУРОДОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҚУРУВЧИЛАРНИНГ ЗАРБДОР МЕҲНАТИ

ВЬЕНТЬЯН. Йўл қурувчи деган касб— халқ Лаосида энг ҳурматли касблардан биридир, автомобиль йўллари доимо кенгайиб бораётганлиги учун мамлакат айни шулардан миннатдор. Ҳозирги вақтда халқ хўжалик юкларининг асосий қисми автомобиль йўлларида ташилмоқда. Шунинг учун ҳам ЛХДРда етакчи корхона бўлган 1-йўл-қурилиш корхонаси мамлакат меҳнаткашлари социалистик мусобақасининг ғолиби бўлганлиги бежиз эмас. Шу бирлашманинг бригадалари республиканинг асосий транспорт йўли— Лаосни шимолдан жанубга томон кесиб ўтадиган 13 йўлда транспорт ҳаракатини таъминлаб туради.

Қурувчилар бултур Нгум дарёси орқали Лаосда энг катта бўлган кўприкни қуриб, фойдаланишга топширдилар, Кадинг дарёси орқали қурилаётган ва бундан ҳам узун бўлган тирговичларга металл фермалар ётқиздилар. Магистралдаги ана шу ва кўпгина бошқа объектлар Совет Иттифоқининг ёрдами ва техникавий кўмаги билан қурилди. Катта йўллардаги фақат ер қазиш ишларининг умумий ҳажми 500 минг куб метрдан ошиб кетди.

Мамлакатнинг бошқа транспорт магистралларидаги қурувчилар ҳам зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. ЛХДРни қардош Вьетнам денгиз соҳили билан боғлайдиган 9-йўлнинг энг қийин тоғли участкаси фойдаланишга топширилди. Республиканинг турли олис районларига ҳам йўллар ўтказилди. Бу йўллар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат йўли билан тез етказишга анча кўпайтириш, аҳолини энг зарур моллар билан узлуксиз таъминлаб туриш имконини беради.

ГДРда совет кўргазмаси

БЕРЛИН. СССР экспорт молларининг доимий кўргазмаси ГДР пойтахти аҳолиси ва меҳмонларига ғоят манзур бўлмоқда. Шу кўргазма очилган 1970 йилдан буён унга 1,5 миллиондан кўпроқ киши келиб кўрди. Улар 216 та ихтисослашган кўргазма билан танишдилар. Ўтказилган икки мингга яқин конференция, семинар, симпозиум ва лекция ҳам томошабинларда зўр қизиқиш уйғотди.

Масалан, бултур, 22 та кўргазма ташкил қилинган эди. Уларда Совет Иттифоқининг 15 та ташқи савдо бирлашмаси қатнашди. Бу кўргазмаларнинг саккизтаси кейинчалик Расток, Эрфурт, Дрезден, Гера, Карл—Маркс—Штадт ва Лейпцигда ташкил қилинди. Бу кўргазмаларга қўйилган экспонатларнинг умумий сони 15 мингтадан ошиб кетди.

Доимий кўргазманинг иши икки қардош мамлакат ўртасида товар айирбошлашнинг ривожланаётганлигидан яққол далолат бермоқда. Бу йил товар айирбошлаш кўрсаткичи 15 миллиард сўмга етади. Буларнинг ҳаммаси фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳасида СССР билан ГДР ўртасида 2000 йилгача бўлган давргача ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан бултур октябрь ойида имзоланган узоқ муддатли программа муваффақиятли ривожланаётганлигидан далолат беради.

Бу йилги кўргазмалар КПСС XXVII съездига тайёргарликка ва совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилишга бағишланади.

ФОТООБЪЕКТИВДА—КУБА

Гавана марказидаги Дон Кихотга ўрнатилган ёдгорлик ҳайкали бу ерга келувчиларни доимо қизиқтиради. Уни ҳайкалтарош Серхио Мартинес яратган. Бу ўзига хос ҳайкал асосан симлардан яратилган бўлиб, томошабинларни қизиқтириб келади.

Йилдан-йилга Совет Иттифоқи ва Чехословакия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Москвадаги Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг савдо-техника марказида Чехословакия саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот намойиш қилинмоқда.

СУРАТДА: чех мутахассислари мамлакат заводларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳақида фикр алмашишмоқда.

ЖАҲОН АҲОЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК. Дастлабки маълумотларга кўра, 1985 йилнинг бошларида ер юзининг аҳолиси 4,8 миллиард кишидан ошди. БМТ Бош секретарининг нуфуз соҳасидаги тенденциялар ва сиёсат устидан контроллик қилиш тўғрисида БМТ қароргоҳида тарқатилган маълумотномасида шу рақам кўрсатилган.

Ҳужжатда уқтириб ўтилишича, ривожланган мамлакатлардаги аҳолининг ўртача ёши 32, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида эса 21 га тўғри келади. Ҳозир аҳоли йилига ўрта ҳисобда 1,65 процент кўпаймоқда. Яъни 1960 йилларгаги йилига 2 процент ўсишга нисбатан ўсиш суръати пасайиб бормоқда, аммо бу пасайиш бир текис эмас. Чунончи, Африкада аҳолининг кўпайиш суръати 3 процентни, Ғарбий Осиёда 2,9 процентни, Жанубий Осиёда 2,1 ва Лотин Америкасида 2,4 процентни ташкил этади. XX асрнинг охирларига бориб жаҳон аҳолиси 6,1 миллиард кишига яқинлашиши кутилмоқда.

Бу аҳолининг қарийб 80 проценти ривожланаётган мамлакатларда яшайди.

Маълумотномада демография тенденциялари билан социал-иқтисодий ривожланишнинг характери ва суръатлари ўртасидаги ҳозирги ўзаро алоқадорлик уқтириб ўтилган. Аҳолининг кўпайиши — ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг миқдори мутлақ камайиши қайд этилди. Ҳужжатда таъкидланишича, ривожланаётган мамлакатларнинг тўлов балансини тобора ёмонлашди, ривожланиш мақсадларига бериладиган ёрдам камайган шароитда ташқи қарзни узиш учун тобора кўпроқ чет эл валютаси сарфланиши уларнинг иқтисодий қийинчиликларини кучайтирди. Маълумотномада кўрнишича, кўпгина ёш давлатларнинг иқтисодий империализм снёсатини ўтказаётган ғарбдаги етакчи мамлакатларга асоратли қарамлиги ривожланаётган дунё аҳолиси маҳрумликларининг асосий сабабидир.

Қашшоқлик, очлик, касаллик, ишсизлик — шу мамлакатлардаги кўпгина халқларнинг қисмати бўлиб қолди, деб таъкидланади ҳужжатда. Айни вақтда Африканинг кўпгина мамлакатларидаги аҳоли озиқ-овқат ишлаб чиқаришдан кўра тезроқ кўпаймоқда, бу эса ёлғиб овқатланмаслик муаммосини баттар мушкуллаштирмоқда.

ИТАЛИЯДА САВОДСИЗЛИК

РИМ. Италияда 6 миллион саводсиз бўлиб, бу—мамлакат бутун аҳолисининг 13 процентига баравардир. Улардан икки миллиондан кўпроқ кишининг ёши 55 дан ошмайди. Марказий статистика институти ўтказган тадқиқотларнинг натижалари ана шундан далолат беради.

Мамлакатнинг демократик матбуоти социал тенгсизлик, ишсизлик ва қашшоқликнинг ўсиши Италияда ана шундай аҳволнинг юз беришига асосий сабаб бўлмоқда, деб уқтиради. Саводсиз ва чаласавод кишиларнинг асосий қисми иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган жанубий районларда яшаётганлиги бежиз эмас. Чунончи, Кампания областида саводсизлар билан чаласаводлар аҳолининг 32 процентини, Сицилия оролида эса 30 процентини ташкил этади.

Ўз оилаларининг бир амаллаб тирикчилик кўришларига кўмаклашмоқ учун кўпгина болалар мактабларга қатнамай, ишга жойлашадилар. Статистика маълумотларига кўра, ўрта мактабларнинг фақат бошланғич синфларигина ҳар йили итальян ўғил ва қиз болаларидан 240 минг киши тарк этмоқда.

Италия жамоатчилиги мамлакатда саводсизлик даражасининг юқори бўлишидан чуқур ташвиш билдирмоқда. Улар маъмурлардан вужудга келган аҳволни бартараф этиш учун ва аввало жанубий районлардаги қашшоқлик ва камбағаллиқни тугатиш учун, кўпгина болаларга мактабларга нормал қатнаш имконини бермаётган тўсиқларни йўқотиш учун зарур чораларни кўришни талаб қилмоқдалар.

ХРОНИКА, ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР

ЛИССАБОН. Сетубал шаҳрида жойлашган автомобиль йиғув заводи меҳнаткашларининг кўп ойлик кураши ғалаба билан тугади. Улар корхоналарнинг эгалари ушланган уч ойлик иш ҳақини тўлашга, шунингдек шу заводларда банд бўлган қарийб 5000 кишидан 300 га яқин ишчини бўшатиш ниятларидан воз кечишга ваъда беришларига муваффақ бўлдилар.

* * *

Португалиянинг Дейшоеш шаҳридаги энг катта портлардан бирининг фаолияти қарийб тамомила тўхтаб қолади. Юк ортиш-туширишлари тўхтатилди. Портда ҳеч ким ишлаётганлиги, ҳеч ким ишлаётганлиги, ҳеч ким ишлаётганлиги,

ЯНГИ РУБРИКА:

• АҚЛ - ЗАКОВАТ ДУРДОНАСИ

Инсонлар яратган нафосат

Табиат яратган мўъжизалар билан бирга, инсоннинг гул қўли, ақл-заковати билан бунёд этилган нафосатли ҳамма моддий-маънавий бойликларни кўриб тасаннолар айтамиз. Бундай бойликлар тарихий-этнографик музейларда ҳамда очиқ ҳавода ташкил этилган этнопаркларда сақланади. Коммунистик давр кишисини юксак ғоявийлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда моддий-маънавий маданият ёдгорликларининг аҳамияти ғоят каттадир. «Ақл-заковат дурдонаси» янги рубрикаси остида ана шулар ҳақида ҳикоя қилиб борамиз.

Совет кишиларнинг, хусусан ёш авлодни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида тарбиялашда халқимиз ўтмишидаги моддий-маънавий маданият ёдгорликлари бебаҳо хазинамиздир. Музейларни халқ тарихининг кўзгусига қиёслаш мумкин. Улар орқали инсониятнинг ўтмиши, маънавий мулки ва маданияти билан танишамиз. Тарих билан танишган ёш авлодда ҳозирги фаровон кунларга муҳаббат ортади. Шунинг учун Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз музейлар ишига алоҳида аҳамият бермоқда.

Маълумки, кишилар маданияти ва турмуши тарихий ривожланиш жараёнида ўзгарган. Турли сабабларга кўра узоқ даврлардан бери давом этиб келган анъанавий элементларнинг кўпи йўқолган. Кўпчилик ҳолларда ҳозирги ҳаётни ва айрим халқларга хос бўлган характерларни ўзида акс эттирувчи янги элементлар билан алмашган. Шунинг учун ҳам музейларга, айниқса, очиқ ташкил қилинган тарихий - этнографик музейларга жойлардан келтирилган ҳақиқий экспонатларнинг илмий-тарбиявий аҳамияти тобора ошади. Айниқса, Совет Иттифоқида, жумладан Ўзбекистонимизда содир бўлган ва бўлаётган социал-иқтисодий ва маданий ривожланиш туфайли халқнинг маданий, маиший турмуш қиёфаси мислсиз даражада ўзгариб бормоқда. Халқимизнинг касб-кори, меҳнат шароити, урф-одати, уй-жой қуриш характери, рўзғор тутиши ўзгармоқда.

Жаҳонда музейлар хили кўп. Чунончи этнография музейлари ҳам жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ташкил этилган. Фанда этнопарк деб аталган бундай музейларнинг моҳияти жуда катта. Гап этнографик музейлар ҳақида борар экан, икки оғиз этнография фани ҳақида айтиб ўтиш жоиздир.

Этнография — тарих фанининг ихтисослашган тармоғи. Бу фан халқларнинг келиб чиқиши, моддий ва маънавий маданияти ривожланиш тарихини, ўзларига хос этнографик хусусиятларини, ўзаро алоқа ва ҳамкорликларини, халқнинг ўзига хос тараққиётини ўрганади.

Этнография терминн юнон тилидан олинган бўлиб, «Этнос» — халқ, «графейн» — ёзиш демакдир. Бошқача қилиб айтганда, этнография халқни таърифловчи, турмуш ва маданиятини ўрганувчи фандир. Бу фаннинг тадқиқот объекти халқларнинг турмуш ва маданияти, урф-одатлари, анъана ва маросимлари бевосита халқ орасида яшаб, кузатув ва суҳбатлар жараёнида олиб борилган ишлар, яъни «дала ишлари» натижасида йиғилгандир.

Этнографик билимлар қадим замонлардан маълум. Аммо, этнография фан сифатида XIX асрнинг ўрталаридагина шаклланган. Бу даврда Европа мамлакатларида этнография фанига махсус аҳамият берилди, алоҳида илмий жамиятлар пайдо бўлди, этнографик журналлар, тўпламлар ва илмий асарлар нашр этила бошлади.

Этнографияга доҳиларимиз Карл Маркс, Фридрих Энгельс ва Владимир Ильич Ленин жуда катта эътибор берганлар. В. И. Ленин тарихий жараён турли даврларини анализ қилишда, халқларнинг эҳтиёж ва орзуларини билишда этнографик материалларга кўп мурожаат этган. Улуғ рус демократ ёзувчиси Н. Г. Чернишевский этнографияни ижтимоий фанлар ичида юқори ўринга қўяди.

Кўп асрли тарихга эга бўлган ҳар бир халқ катта-кичиклигидан қатъий назар, ўзига хос миллий хусусиятларни шакллантириб, бой ва ажойиб анъана билан инсониятнинг умумий маданий хазинасига ўз ҳиссасини қўшган ва қўшмоқда. Ирқчилар томонидан камситилаётган рангли халқларнинг авлод-аждодлари ҳаётига чуқур разм солсак, улар ниҳоятда зўр маҳорат ва дид билан ўзларига яраша маданий ёдгорликлар яратганликларининг шоҳиди бўламиз.

XIX асрда этнографиянинг фан сифатида расмийлашиши Европа ва Америка давлатларида махсус этнография музейлари шаклланишига олиб келди. Музейлар Россия Фанлар академиясининг Антропология ва этнография музейлари каби этнографик билимларни тарғибот қилувчи ҳамда шу йўналишда тадқиқотлар олиб борувчи мустақил илмий марказларга айлана бошлади. Россиядаги этнография музейи Кунсткамера заминида ташкил топган дастлабки музейлардан эди.

1852 йили Германиянинг Нюренберг шаҳрида немис халқ маданияти намуналаридан коллекцияларни намойиш этувчи музей очилди. 1855 йили Берлинда Халқшунослик ёки этнография деб аталувчи Янги музей, шу йиллар ичида Вашингтонда Миллий музей йирик этнография бўлими билан, 60-йилларда Британия музейининг этнография бўлими, XIX асрнинг 70-йилларида эса АҚШда Бостон музейи, Парижда Тракондеро Этнография музейлари шаклланди.

Россия Буюк Пётр номидаги Антропология ва этнография академик музейи этнографик коллекцияларни Петр I тўплаган коллекциялардан 1714 йилда Петербургда намойиш эта бошлаган эди. Ҳозир ушбу музей Ленинградда тарихий Кунсткамера биносида жойлашган бўлиб, жаҳондаги кўпгина қитъалар аҳолисининг турмуши ва маданиятига оид бой этнография, антропология ва археология коллекцияларидан ташкил топган. Музейда 146 мингга яқин этнографик, қарийб юз минг антропологик ҳамда 380 минг археологик экспонатлар сақланмоқда. 1900 йилдан бошлаб «Антропология ва этнография музей тўплами» деб номланган махсус тўплам ҳозиргача йилда бир марта нашр этилмоқда.

Жаҳон этнография фани тараққиётига улкан хизмат қилган жаҳонгашта, гуманист олим Н. Н. Миклухо-Маклай Океания халқлари орасида яшаб, маҳаллий халқларнинг турмуш ва маданиятини ўрганган, ўзининг бой «Кундаликлар»и билан бир қаторда папуас қабилаларининг турмуши ва маданиятига оид кўплаб коллекцияларни тўплаган.

1897 йили Петербургда Россия халқларининг турмуш ва маданиятини намойиш этувчи Рус музейи ташкил этилди. Ушбу музей ҳузурида этнография бўлими бор эди. Бу бўлимда кўпроқ славян халқлари, Кавказ, Ўрта Осиё ва Болтиқбўйи халқларининг моддий маданиятига оид коллекцияларини намойиш этди. Улуғ Октябрь революциясидан сўнг Рус музейи рус ҳайкалтарошлиги, графика ҳамда тасвирий санъат музейига айланиб, этнография бўлими эса мустақил равишда СССР халқларининг Давлат Музейига (ГМЭ) айланди.

Мамлакатимиздаги йирик этнография давлат музейларидан Эстония ССРнинг Тарту шаҳридаги Эстония этнография музейи бўлиб, у Эстония этнографияси, умуман финугор халқларини ўрганиш билан бирга, илмий монографик ишлар нашр этади. Бу музей Бутуниттифоқ ва Халқаро симпозиумларни, конференцияларни ўтказиш бўйича машҳур бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонда махсус этнография музейлари бўлмаса-да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи Музейида этнография секторн, А. Навоий номидаги Адабиёт музейида фольклор ва этнография секторлари мавжуд. Улар тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга, ўзбек халқининг кўпгина турмуш ва маданиятига оид коллекцияларни тўплаб бормоқдалар.

Кези келганда шуни айтиш керакки, Ўзбекистон амалий санъат Музейи фондларида жуда кўплаб этнографик коллекцияларни учратиш мумкин. Республикамизнинг область марказларидаги тарихий ўлкашунослик музейларида ҳам ажойиб этнографик коллекциялар бор.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари кандидати.

ТОШКЕНТ—СКОПЛЕ: БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўтган йилнинг июнь ойида Македония Социалистик Республикасида Ўзбекистон ССР маданияти кунлари катта муваффақият билан ўтди. Диёримиз санъат усталари концерт залларида ва корхоналарида маҳоратни намойиш этишди. Дўстона қизғин учрашувлар Македониянинг пойтахти — Скопленинг кўчалари ва майдонларида давом этди.

Самарали алоқалар

Совет Иттифоқи Югославия билан маданий алоқалар боғлаш соҳасида энг йирик мижоз ҳисобланади.

Кейинги йилларда Югославияда ва бепоён мамлакатимизнинг турли республикаларида алмашув маданият, халқлар дўстлиги байрамлари ўтказилди. Украина ССР маданият кунлари Хорватия Социалистик Республикасида, Хорватия СР кунлари эса Украинада, РСФСР маданият кунлари Черногория ва Сербия Социалистик Республикаларида ҳамда ана шу республикаларнинг кунлари эса Россия Федерациясида ўтказилди.

Македония Социалистик Республикаси маданияти кунлари Ўзбекистонда, Ўзбекистон ССР маданияти кунлари эса Македония Социалистик Республикасида ўтказилди.

СССР ва ЮСФР ўртасида маданий ва илмий алоқалар 1983—1985 йиллар маданий ҳамкорлик программасига биноан ўтказилмоқда. Бу программада фан, маориф, маданият ва санъат, архив ишлари, нашриётлар фаолияти ва китоб савдоси соҳаларида жуда кўп тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган.

«Баҳор» мафтун этган

«Баҳор» Ўзбек давлат рақс ансамблининг гастроллари ўтган йилк Скопледа муваффақият билан ўтди. Ансамбль артистлари концерт залларида маҳоратларини намойиш этдилар, ишчи коллективлари ҳузурида меҳмон бўлдилар.

Броз Тито номидаги металлургия заводида ўзбек санъаткорларини самимий ва қизғин олқишлашган. Югославия ишчилари ўзбек санъаткорлари ижро этган македонча «Кўзали қиз», ўзбекча «Ялла», «Тановар» ва бошқа рақсларни олқиш билан кутиб олдилар.

ҚАРДОШ МАДАНИЯТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбек ва югослав кино усталарининг дўстлиги 1976 йилда бошланган. Ушанда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро IV кинофестивали бўлаётган кунларда ҳамкорликда фильм суратга олиш фикри туғилган эди. Шундан кейин ҳамкорлик киноасарини яратиш бошлаб юборилди.

Кейинги, V кинофестивалда бу кинолента намойиш этилди. У «Муҳаббат ва нафрат» деб аталган эди. Картиннанинг воқеалари иккилобий вазият ўзига хос мураккаблиги билан ажралиб турган, Совет ҳокимиятига қарши оқ гвардиячилар ва босмачилар ҳуруж қилаётган Туркистонда бўлиб ўтади. Бу ўлкада интернационал отрядларнинг жангчилари революциянинг ашаддий душманларига қарши жасурона кураш олиб бордилар.

Югославия революционери, садоқатли интернационалист Александр Драгович ана шу шиддатли воқеалар жабҳасига тушиб қолади. Тақдир тақозоси уни хизмат юзасидан Туркистонга олиб келган эди. Чекист-революционерга муҳим вазифа — Туркистондаги барча тўдаларга бошчилик қилиш ниятида тоғларда беркиниб юрган босмачи Исмонлбекни қўлга олиш топшириғи берилган.

Бу саргузашт лентанинг сценарийсини О. Агишев ёзган. Бу фильмнинг яратилишида машҳур кинематографчилар — Югославия киноҳужжатчиси, Югославия Давлат мукофоти лауреати Жико Ристич ва бир қатор ўзбек киноленталари — «Дорбозлар», «26-си отилмасин», «Сени кутамиз, йигит...» фильмларининг муаллифи Равиль Ботировдир.

Драгович ролида машҳур югослав артисти Фарук Беголли суратга тушган. У совет томошабинларига «Шмидт вилояти болалари», «Дарвиш ва ўлим» ва бошқа фильмлари билан яхши таниш. Ҳамкорликда яратилган фильм кинофестивалда, шундан кейин мамлакатимиз ва Югославия экранларида муваффақият билан намойиш этилди.

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР

«Македония китоблари» нашриётида ўзбек поэзияси антологияси, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриётида Македония поэзияси антологияси нашр этилди.

• • •

«Баёт» халқ вокал-хореография ансамбли Македония шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб янги концерт программасини намойиш қилди. Ансамбль 25 концертни катта муваффақият билан намойиш этилди.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● ЁЗУВЧИГА — ФАХРИЙ УНВОН

Кейинги йилларда ўз умрини Францияда ўтказаётган таниқли инглиз ёзувчиси Г. Гриннинг ҳозирги замон адабиётини ривожлантиришдаги хизматларини тақдирлаб ва ёзувчи туғилган кунининг 80 йиллиги муносабати билан Франция маданият министрлиги унга санъат ва адабиёт командори фахрий унвонини берди. Бу унвон Франция Республикасининг энг олий нишонларидан бири бўлиб, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган намояндалар унга сазовор бўлишади.

● САМАРАЛИ ВОСИТА

Ханой яқинидаги Хосе Марти номли қишлоқ хўжалиги институтида айрим уй ҳайвонларини даволашга мўлжалланган янги препаратни синаш ишлари муваффақият билан ўтди. Бу препарат қишлоқ хўжалик фанлари доктори Фам Хиеу раҳбарлигидаги бир группа вьетнамлик олимлар коллективи томонидан яратилган.

«Фуразолидон» деб ном олган бу препарат самарали антибиотик эканлигини кўрсатди. Уйда боқиладиган қушлар, чўчқа ва йирик шохли қорамолларда учрайдиган ҳамда уларда кенг тарқалган касалликларни даволаш чоғида у яхши натижалар берди.

Фуразолидонни кўллаш йўли билан бажарилган амалий синовлар сўнгги бир неча йиллар мобайнида олиб борилди, бу препарат ёрдамида вьетнамлик «айболит»лар бир неча юз минглаб ҳайвонлар ҳаётини сақлаб қолишга эришдилар.

● БИРДАНИГА ОЛТИ ЭГИЗАК

Римининг «Сан Камилло» госпиталида 30 ёшли Мара Ди Пьетро бирданига олти эгизак туғди.

Ҳар бирининг оғирлиги бир килограммдан келадиган эгизаклар туғилгандан кейин 48 соат мобайнида махсус «инкубатор»га жойлаштирилдилар. Бунинг заруратн — туғилган чақалоқларнинг янги, улар учун ғайри-табиий бўлган шароитда уларга нафас олишни ўргатишга кўмаклашиш эди. Чунки, эгизаклар ёруғ дунё юзини бор-йўғи олти ойлик бўлганларида кўришди-да!

Электроника марказида ишлайдиган болаларнинг отаси, 35 ёшли Жузеппе Калкателли журналистларнинг бахтлимисиз, деб берган саволларига жавоб қайтариб айтдики, уни ҳаммадан ҳам кўпроқ рафиқаси ва эгизакларнинг саломатлиги ташвишлантирмоқда. Унинг бу гапларини тушуниш мумкин. Италияда ҳозирги пайтга қадар қайд этилган ана шундай беш ҳодисанинг фақат биттасидагина бир онлада олти ўғил эгизак соғлом бўлиб ўсган. Бошқа чақалоқлар эса ёки ўлган, ёҳуд ўлик ҳолда туғилган. Лекин умид қиламизки, бу гал ҳаммаси рисоладагидек бўлади ва Мара билан Жузеппе бахтиёр ота-она бўлиб қолишади.

● СТУДИЯГА БОСТИРИБ КИРГАН ИЛОН

Кениянинг Гарисса шаҳри аҳолиси маҳаллий радиоэшиттиришлари нега бирдан тўхтаб қолганлигининг сабабини аввалига ҳеч билиша олмади. Студияга киллинган жуда кўплаб қўнғироқлар ҳам рўй берган аҳволга ҳеч қандай аниқлик киритмади, чунки телефон трубкасини кўтаришга ҳеч ким келмади. Маълум бўлишича, радиостанция хизматчилари шошилинч равишда студияни ташлаб чиқиб кетишган экан. Бунга сабаб студияга баҳайбат кўзойнак илонинг бостириб кирганлиги эди. Кўзойнакли илонни метил спирти ва электр чақмоқлари ёрдамида қуриб чиқариш бўйича қилинган барча уринишлар зое кетди. Студиядаги қураш икки соат давом этди. Ниҳоят, дикторнинг аниқ мўлжал билан кўзойнакли илонга отган гайкани бўшатадиган ускунаси «чақирилмаган меҳмон»ни ўз жойида қотирди.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.



Кейинги йилларда лазер нурларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институти олимлари олиб бораётган илмий ишлар айниқса, ибратлидир. Улар ўз ижодий изланишларини доимо ишлаб чиқаришга татбиқ этиб боришаётир.

СУРАТДА: катта инженер И. А. Ҳусаннов ва илмий ходим И. А. Кулагин лазер қурилмасида навбатдаги тажрибани ўтказишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• Аёллар, сизлар учун

ТАҚИНЧОҚ ЯРАҚЛАСИН ДЕСАНГИЗ...

Кўпчилик аёллар тилла буюмлари кўримсиз бўлиб бораётганидан, жилоси пасайиб қолганидан ташвишланишади. Заргарлик буюмларида қандайдир доғлар пайдо бўлганидан кўнгиллари хира бўлади. Авваламбор, тақинчоқлн буюмларни жой-жойига қараб, аввалдаб ишлатиш керак. Масалан, баъзи аёллар қўлларидаги қийматбаҳо узуклари билан хамир қорадилар, содали, ишқорли, эритмали сувлар билан кир ювадилар ёки бошқа оғир уй ишларини бажарадилар.

Маълумки, ҳалланган заргарлик буюмлари ташқи таъсирда тез шикастланади. Шуни унутмаслик керакки, таркибида олтингугурт тузлари ва ишқорий моддалар бўлган косметик кремлар билан шуғулланаётган пайтда қўлингизда тақинчоқлар бўлмаслиги лозим. Бундай гузлар заргарлик буюмларида доғ ҳосил қилади ва қисман едирилади. Йод моддаси ҳар қандай олтин, кумуш ва бошқаларда ҳунук доғ ҳосил қилади. Кремлар тақинчоқларни хиралаштириб қўйишини унутманг.

Заргарлик буюмлари доимо қуруқ қутичаларда сақланиши керак. Улар нам ҳавони сира «ёқтирмайди». Хиралашиб қолган тақинчоқларни бир чой қошиқ новшадил спиртни бир стакан сувда эритиб, унга юмшоқ чўткани ботириб тозалаш мумкин. Агар буюм ҳалланган бўлса, унга чўтка ишлатманг, акс ҳолда қирилиб қолиши мумкин.

Қимматбаҳо тошлар: феруза, ёқут, қаҳрабо намни ёқтирмайди. Бундай тошлардан қадаб тайёрланган буюмларни совунли сувлар ёрдамида тозалаш лозим. Бу усулда ҳам тозаланмаса, этил спиртидан олиб сувда аралаштириб чайиш лозим. Кумуш қошиқ ва вилкалар «Ювелирная» номли паста билан тозаланганн маъқул.

Қимматбаҳо заргарлик буюмларингизда қаттиқ доғ ҳосил бўлса, уларни махсус заргарлик устахонасига олиб боришингиз мумкин. Ҳамма нарса қаторн, қимматбаҳо тақинчоқлар ҳам сиздан «парвариш» талаб қилади.

О. КАРИМОВА,
инженер-технолог.

«КАМАЛАК» ШАҲМАТ КЛУБИ

Клуб Советининг раиси халқаро гроссмейстер Георгий АЪЗАМОВ

ДОНИШМАНДЛИК, ТОПҚИРЛИККА УНДАЙДИ

РАҚОБАТЧИ ОПА-СИНГИЛЛАР

Ҳиндистон мустақил республикага айланганч, бу ерда шахмат ишлари ҳам йўлга қўйила бошланди: халқаро миқёсда уларнинг мавқеи тобора ошиб бормоқда.

1982 йилнинг кузида Тбилисида ўтказилган жаҳон биринчилиги зоналараро турнири иштирокчилари орасида ҳиндистонлик халқаро мастер Рахиника Кадилкар ҳам бор эди. Бу ҳуқуқни у 1981 йили Осиё зонаси бўйича ўтказилган турнирда қўлга киритган. Бироқ, у Тбилисига жўнамасидан олдин мамлакат чемпионатида қатнашиб, биринчи бўлолмади: сингиллари Яшри билан Вассентиларнинг жиддий рақобатига дуч келди. Чемпионатда 9 тадан 7,5 очко олган Яшри ғолиб чиқди, Рахиника билан Вассентилар ундан ярим очко ортда қолиб, иккинчи-учинчи ўринларни баҳам кўришди. Диққатга сазовор жойи шуки, опа-сингилларнинг учови ҳам халқаро мастер унвонига эга. Бунақаси кам учрайди.

ЎЙИНЛАРНИНГ ЭНГ ДОНОСИ

Қирол Генрих VIII замонида Британиянинг Мадриддаги элчиси бўлган, XVI асрдаги англиялик файласуф ва дипломант Томас Элиот ўзининг қиролга йўллаган ҳамда ҳукумат маъмурияти аъзоларининг ихтисосий тайёргарлигига нисбатан билдирган фикрларини «Ҳукмдор» деган рисоласида шахматни «барча ўйинларнинг энг доноси бўлиб, хотирани мустаҳкамловчи, ақлни пешловчи, топағонлиги билағонликни ўстирувчи восита» деб таърифлайди.

ТУШУНМАСА—ҚИЙИНДА!

Аёллар халқаро турнирларининг бирида испан ва инглиз қатнашчилари ўртасидаги зеркаларироқ бир ўйин тугай деб қолган эди. Пайтини топиб испаниялик деди:

— Таблас! [Дурангми!]

Инглиз аёли тушунмади, лекин ўйиндан нуқул «дуранг ҳиди» келаётганини сезган ҳолда шартта жавоб қилди:

— Дроо! [Дуранг!]

Жавоб оҳангидан хижолат тортган испаниялик уларнинг столи ёнида турган француз аёлига савол назари ташлаган эди, у:

— Нюль [дуранг] — дея жавоб қилди.

Шундан кейин... ўйин давом этаверди.

ТАСЛИМ БЎЛИШГА ШОШИЛМАНГ

Яқинда устоз Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишлаб ўтказилган XIII анъанавий Бутуниттифоқ турнирида ғалати бир ҳодиса юз берди.

Тошкентлик спорт мастери Д. Қаюмов ҳамшаҳри Т. Воҳидовга қарши ўйинда дастлаб қийинроқ аҳволга тушиб қолди. Беш соатлик курашдан сўнг учрашув кечиктирилди. Кечиктирилган вазиятда эса томонларда биттадан енгил сипоҳу бир нечтадан пиёда қолган эди, холос. Лекин Воҳидов [оқлар]нинг чеккадаги йўли очиқ пиёдаси қоралари анча гаранг қилиб турарди. Тажрибали мастернинг бутун тахта узра кўрган мураккаб тадбир-чоралари натижасида ўйин шундай ҳолатга келди:



Яхшилаб разм солинг: оқлар отини b7 га, шоҳини эса b8 га ўтказиб ютмоқчи. Борди-ю, қоралар ҳозир филини бурчакдан чиқаргудек бўлса, Ка5—с6 дан кейин пиёда фарзинга чиқади. Шундай мулоҳазалар асосида Қаюмов ногоҳ таслим бўлди. Шу тахта атрофида шов-шув кўтарилгач, мусобақа бош судьяси сифатида ўша ёққа чопдим: томошабинлар худди шу вазиятда қоралар дурангга эришажагини исботлашар, «айбдор» бўлса гарангсиб турарди. Шогирдим — Қаюмов ҳижолат тортаётганини сезиб: шунақаси ҳам бўлади, дедим. Ҳа, шундай позициялар ҳам борки, унда бир оту [ёки филу] бир пиёда билан якка шоҳни маҳв этиб бўлмайди. Сиз кўриб турганингиз ҳам ўшандақа позициялардан. Сиз, азиз шахмат шинавандаларига топшириқ шу: бу позицияда юриш кимданлигидан қатъий назар, натижа дуранг бўлишини топинг. Тўғри жавоб йўллаганларнинг исм-шарифларини газетада эълон қиламиз.

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ тайёрлаган.

● ИЛМ-ФАН — БЕШ ЙИЛЛИККА

ҲАР ХИЛ ПОЛИМЕРЛАР

Рига гидрометеорологик приборлар тажриба заводи денгиз бағрига ботириладиган ўлчов қурилмаларининг корпусларини шиша пластиқдан тайёрлаб чиқара бошлади. Бу нарса қимматбаҳо титанни тежашга имкон берди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, янги материал 650 атмосферагача боладиган босимга бардош бера олади, ҳатто 4 километрлик чуқурликда ҳам аппаратни муҳофаза қилади.

Бу полимер композицион материалларни халқ хўжалигига жорий этиш республика халқ хўжалик программаси бирлаштирган олимлар ва саноат мутахассисларининг куч-ғайратлари натижасида ишлаб чиқилган ечимлардан бири, холос.

— Программани амалга оширишга йиғирмата корхона, ташкилот ва илмий муассасалар жалб қилинган, —деди Латвия Фанлар академияси полимерлар механикаси институти лабораториясининг раҳбари Л. Иргенс.—Тадқиқотчилар бирлан ишлаб чиқариш мутахассисларининг кучқувватларини бирлаштириш самараси қандай бўлишини қуйидаги мисолдан билса бўлади.

Жуда яхши иссиқ изолятор бўлмиш «рипор» кўпик пласт кўпчиликни қизиқтириб қолди. Латвиялик олимлар яратган бу материал ҳар қандай сиртга осонгина тўзғитиб югуртирилади. Сабзавот омборларини унинг ёрдамида иссиқ қилиш ғоятда қулай. Шунингдек яхлит панель конструкцияларнинг тирқишларини тўлдириб чиқиш осон. Монтажчилар трубаларни тез ва пухта туташтиришга имкон берувчи ғалати полиэтилен лента ва бандажларга муносиб баҳо бердилар. Металл муфта ўрнида ишлатилувчи бундай воситаларга олдиндан гамма нур берилган бўлиб, иситганда зид герметик бирикма ҳосил қиладн.

Кема ремонтчилари бошқа бир янгиликдан фойдаландилар. Илгари коррозия емирган кема палубаларининг теширикларига металл ямоқ пайвандланган бўлса, эндиликда унинг ўрнига полиэфир смоладан ишланган мастика жуда қўл келмоқда. Бу нарса 10 минг сўмлаб тежам беради. Ремонт ишлари машаққати бир неча баравар камайди. Янги композицион материалларни яратган ва уларни халқ хўжалигида ўзлаштириш программасини бажараётган латвиялик тадқиқотчилар ва мутахассислар бу ишни бошқа изланишлар билан бирга олиб бормоқдалар. Унинг натижалари навбатдаги беш йилликда олиб бориладиган перспектив тадқиқотларга замин бўлади.

(ТАСС).

УНУМЛИ ДРЕНАЖ

Туркманистон ССР Гаур районидаги «Совет Туркманистони» колхозининг шўрхок ерлари унумдор далаларга айлантирилмоқда. Бу ерда барпо этилган катта коллектор зовур системаси бир кунда ўнлаб куб метр минераллашган сувни суғориладиган зонадан ташқарига олиб кетади.

Ерга ботирилган ўн метрли қувурлар шўр сизот сувни йиғади ва насослар уни ёпиқ зовур тармоғига чиқариб беради. Шундай қилиб, бу усулдаги самарадорлик очиқ усулга нисбатан икки баравар ошди.

(ТАСС мухбири).

● БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

НЕМИС ХАНДАЛАРИ

УЙЛАБ КЎРИШ КЕРАК

— Айтингчи, хоним, сиз биронта эркакка сал аҳмоқроқ бўлса ҳам, аммо фақат пули кўп бўлгани учун турмушга чиқармидингиз?

— Мен буни бир ўйлаб кўришим керак, чунки сиз менга бутунлай қутилмаганда бундай таклиф қиляпсиз-да.

ЕРЛИҚ ҚОҒОЗИ

— Уятсизлар! Мен мана бу шимни сотиб олаётганда, сизлар менга соф жун газламадан тикилган деб айтганингизлар. Уйга бориб бундай қарасам, ичида «Соф пахтадан» деб ёзилган ёрлиқ қоғоз турибди. Хўш, буни қандай тушунса бўлади?

— Кечирасиз, жаноб харидор,— деди сотувчилардан бири,— бу шим чиндан ҳам соф жун материалдан тикилган, аммо биз фақат куяларни алдаш учунгина шунақа ёрлиқ қоғоз тикиб қўйганмиз, холос.

МЕНИ ТАНИЯПСИЗМИ?

Бир аёл врач қабулига кириб келди. Доктор уни очиқ чеҳра билан кутиб олди:

— Марҳамат, хоним, анави стулга ўтириб бир оз кутинг, менинг иккита касалим қолди. Уларни жўнатаман-у, кейин сизни текшириб кўраман.

Аёлнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Йўқ-йўқ, мен кутиб туролмайман, мени танияпсизми, мен аҳир профессор Мюллернинг хотинимман-ку.

— Э-ҳа, шунақами, —деди врач босиқлик билан,— ундай бўлса анови иккита стулга ўтира қолинглар...

Немис тилидан Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси.

«И Л–8 6»

ЛЕНИНГРАДГА ПАРВОЗ ҚИЛМОҚДА

НЕВА ШАҲРИ ЖУДА ҲАМ ГЎЗАЛ. У давлатимизнинг тошга битилган йилномасидир. Ленинград ёзда ҳам, қишда ҳам ҳар доим гўзал...

Агарда сиз Тошкентдан Ленинградга сафар қилмоқчи бўлсангиз, 350 ўринли «ИЛ—86» аэробуси атиги бир неча соат ичида сизни у ерга етказиб қўяди. Самолёт сешанба, пайшанба, шанба ва якшанба кунлари парвоз қилади.

Тошкентдан учиш вақти — 21.00.

Ленинградга бориб қўниш вақти — соат 2 дан 20 минут ўтганда (Москва вақти билан).

Бу самолёт билетларини сотиб олиш учун сизларни ҳаво йўллари марказий агентлиги (Ш. Руставели кўчаси, 9-уй)га, филиал кассалари (Пушкин кўчаси, 88-уй)га ва Транспорт агентлиги кассаларига таклиф этамиз.

Қуйидаги телефонлардан маълумотлар олиш мумкин: 006 — самолётлар парвози тўғрисида.

066 — самолётда бўш ўринлар борлиги тўғрисида.

АЭРОФЛОТ

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

22-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тикувчилик ишлаб чиқариш оператори, трикотаж ишлаб чиқариш оператори.

Ўқиш муддати 6 ой.

Ўқишга ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия тўланади, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ва «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида практика даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процанти ўқувчиларга берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар институт ва техникумларга йўлланма билан ўқишга юбориладилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, билим юрти директори номига ёзилган ариза, мактабдан характеристика, 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат.

Паспорт шахсан кўрсатилади.

Машғулотлар 1 февралдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй, 2, 9, 17, 18, 19, 21, 51, 60, 72, 89, 56, 57, 156, 185, 167 автобуслар, 2, 3, 16, 22, 23, 28, 29 трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

19 ЯНВАРЬ СОАТ 20.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
ҚАМОЛИДДИН РАҲИМОВ
ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
МАЛИКА АҲМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ТУРДИАЛИ САЪДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
РУСТАМ ҲАМРОҚУЛОВ

«КУЙЛАНГ ХОНАНДАЛАР» телевизион конкурсининг лауреатлари: Фотима КАРИМОВА, Салима ҚОРИЕВА, Муҳаммаджон НУРИДДИНОВ.

Наманган область Навоий номидаги музикали драма театрининг солистлари.

Билетлар Я. М. Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ДОИМИЙ ҚУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Курсларда картограф-гравюрлар, чизмачилар, ҳисобчилар, фотограмм-метристлар, юксак аниқликка эга бўлган асбоблар ремонти бўйича слесарлар тайёрланади.

Курсларга 8— 10 синф ҳажмида маълумотли 15 дан 30 ёшгача бўлган тошкентлик йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 10 ой, ҳар ойда 63 сўмдан стипендия тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Курсларга қабул қилинганларга шу соҳа бўйича олий ўқув юртига ва топография техникумининг сиртқи бўлимига кириш имконияти яратиб берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар йил охиригача ҳар куни қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Орипов кўчаси, 8-уй, кадрлар бўлими (9, 24, 51, 60, 72, 89 автобуслар, 2, 3, 16, 25, 22, 23, 28, 29-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри» бекати).

«ЭЛЕКТРОНИКА МК-45» СТОЛ КОМПЬЮТЕРИ

МУРАККАБ ИЛМИЙ ҲИСОБЛАРНИ БАЖАРАДИ.

УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ:

— рақамларни экспоненциал тасаввурлайди;

— индикация регистрига «П» сонларни олиб киради;

— факториал, тригонометрик функциялар, тўғри ва тескари миқдорларни ҳисоблайди;

— табиий ва ўнмингли логарифмлар, антилогарифмларни ҳисоблайди;

— даражаларга кўтаради;

— илдизни чиқаради;

— радианланган сонларни даражали миқдорга ўтказади; икки даражали қавслар ишидаги жараёнларни бажаради;

— хотира билан ишлаётганида арифметик операцияларни автоматик тарзда бажаради;

— ҳар бир клавишда фақат битта функцияни бажариш учун фойдаланилади.

Габарити: 241 х 185 х 77 мм.

Баҳоси — 125 сўм.

ФРЯЗИН «ЭЛЕКТРОНПРИБОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

«ОРОМ» КРЕСЛОСИ

КИЧКИНТОЙЛАР ЎЗЛАРИНИНГ МИТТИ «ИШ» КУНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШГАН КРЕСЛОДА РОҲАТ ҚИЛИБ ЎТКАЗАДИ.

Болаларнинг такомиллашган бу ором креслоси овқатланиш, ўйнаш ва дам олиш учун мўлжалланган бўлиб, айниқса, олти ойлигидан 2 ёшгача бўлган болалар унда роҳат қиладилар.



Кресло бир жойдан иккинчи жойга енгил кўтариб борилади. Бунинг учун у олти хил вариантда ишланган: дам олиш креслоси, арғимчоқ кресло, баланд оёқли кресло ва ҳоказолар.

Металл ва пластмассадан ишланган бу креслолар ичига ғилофи алмаштириладиган енгил тўшаклар солинган.

Мебелининг ёрқин бўёқли ранги, жило бериб ишланганлиги болаларга албатта манзур бўлади.

АГАРДА СИЗ БУНДАЙ КРЕСЛОЛАРНИ СОТИБ ОЛСАНГИЗ ОРТИҚЧА МАШАҚҚАТЛАРДАН ҲОЛИ БЎЛАСИЗ.

СИЗ ТАКОМИЛЛАШГАН БОЛАЛАР КРЕСЛОЛАРИНИ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ», «ИГРУШКИ», «МАДАНИЙ МОЛЛАР» МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Баҳоси — 46 сўм.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

ВРАЧЛАР ДИҚҚАТИГА!

АПТЕКА ТАРМОҚЛАРИГА ЯНГИ ШИФОБАХШ БАКЛОФЕН ПРЕПАРАТИ ОЛИНДИ.

Бу дори таблетка ҳолида 0,2 ва 0,025 грамм миқдорида 50 рўйхат бўйича ишланган. (Лиорезал синонимидир).

Баклофен асосан неврология касалликларида ишлатилади. Бундан ташқари орқа мия, болалар перебрал параличи, ўтиб кетган склероз касалликларида ишлатилади.

Дори врачнинг рецептига кўра берилади.

Аптекаларда ана шу дори ҳақида батафсил ахборот олиш мумкин.

СССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ АХБОРОТ БЮРОСИ.

ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР

ДИҚҚАТИГА!

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА АДАБИЁТЛАРИНИ ТАРҚАТУВЧИ ЖОЙЛАРДАГИ КИТОБ МАГАЗИНЛАРИДАН ҚУЙИДАГИ АДАБИЁТЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИНЛИГИНИ ЁКИ ЎШБУ АДРЕСЛАРДА БУ КИТОБЛАРГА БУЮРТМА БЕРИШ МУМКИНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

103031, Москва шаҳри, Петровка кўчаси, 15-уй, «Китоб-почта» бўлими.

Адабиёт устама нарх билан юборилади.

Боғлиқларни қайта тиклашнинг алгоритмлари ва программалари. Справочник. «Наука» нашриёти, 1984 йил, баҳоси 3 сўм 20 тийин.

ВОЕВОДИН В. В., КУЗНЕЦОВ Ю. А. «Матрицалар ва ҳисоблашлар». «Наука» нашриёти, 1984 йил, баҳоси 1 сўм 40 тийин.

ГИЛЬМАН Л., РОУЗ А. Апл курси. Диалогли ёндошиш. Инглиз тилидан таржима. «Мир» нашриёти. 1979 йил, баҳоси 2 сўм 10 тийин.

ГРИСУОЛД Р., ПОУЖД ДЖ., ПОЛОНСКИ И. СНОБОЛ —4. Программалаштириш тили. Инглизчадан таржима. «Мир» нашриёти. 1980 йил, баҳоси 95 тийин.

КОЗЛОВ Н. И. Ҳисоблаш ишларини ташкил этиш. «Наука» нашриёти, 1981 йил, баҳоси 85 тийин.

Алгола 68 тўғрисида қайта кўриб чиқилган маълумотлар. Инглизчадан таржима, «Мир» нашриёти, 1979 йил, баҳоси 2 сўм 60 тийин.

Дубна системасида. Транслятор Альва —6. «Наука» нашриёти, 1979 йил, (Программист кутубхонаси), баҳоси 1 сўм 10 тийин.

ШОУ А. Операцияли системаларни мантиқий лойиҳалаш. Инглизчадан таржима. «Мир» нашриёти. 1981 йил, баҳоси 1 сўм 70 тийин.

«СОЮЗКНИГА» ВГО.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

СИЗ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТУРМУШДА ВА ИШДА ҚАНДАЙ САРФЛАЙСИЗ!



Электр қувватини оқилона ва тежаб-тергаб ишлатиш бизнинг бурчимиздир!

АГАРДА СИЗ ХОНАДОНДА БЎЛГАНИНГИЗДА

телевизор бекордан-бекорга ишлаб турганлигига эътибор берганмисиз?

Агарда қўшни хонада ҳеч ким бўлмаса, чироқ бекорга ёниб ётганлигини эътиборга оласизми?

Ошхонада ёки зинапоя майдончасида лампочка беҳуда ёниб турганлигига эътибор берганмисиз?

100 ваттдан иборат оддий лампочка 1 соат давомида ёқиб қўйилса қанча электр қуввати сарфланганлигини биласизми? Ана шу вақт ичида беҳуда сарфланган энергия 3,5 килограмм нон ёпиш ёки 400 грамм шакар ишлаб чиқариш учун бемалол етишини биласизми?

Электр қуввати сарфланишини камайтириш учун қуйидаги тадбирларни бажариб бориш лозим:

электр маиший асбоблари (электр чойнаклар, кипятильниклар)ни мунтазам тозалаб туриш керак;

иложи бўлса (ваннахона, йўлаклар)да кам қувватли лампочкалардан фойдаланиш керак.

АГАРДА СИЗ ИШХОНАДА БЎЛСАНГИЗ

бекордан-бекорга ишлаб турган электр ускунаси олдидан ўтиб кетаётганингизда эътиборсизлик қилманг, қурилиш майдонларида прожекторлар, реклама ёритгичлари беҳуда ишлаб туришига йўл қўймаслик керак.

Электр иситиш асбоблари, вентиляторлардан оқилона фойдаланингиз!

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР» (телефон 33-95-45).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТВ

сешанба

15 ЯНВАРЬ

● МТ I

17.25 «Ёзувчи ва замон». Е. Носов. Курск педагогика институтининг ўқитувчи ва студентлари билан учрашув.
18.45 МХР бадиий коллективларининг концерти.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.05 «Бу ҳақда индамасликка тўғри келарди». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
21.30 «Время».
22.05 З. Сосницка куйлайди. Польшадан олиб кўрсатилади.

22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак». 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида (23.05) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Махсус чегара». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.50 В. А. Гранаткин хотираси учун футбол бўйича халқаро ўсмирлар турнири. СССР-1— Франция терма командалари. 2-тайм. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Ойдинда отлар». Телевизион бадиий фильм.
23.15 «Пойтахт гастролларида». Москвада бўлиб ўтган П. Чайковский номли VII халқаро конкурс лауреати П. Донохоу концерти (Буюк Британия).

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Дўстлар планетаси» (рус.).
18.45 «Совет турмуш тарзи». Кинопрограмма.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Автомобилни қувиб ўт». Телефильм.
20.10 Зулфия. «Сўроқлайди шоирни шеърим».
20.30 «Ахборот».
20.50 Еш ижрочилар концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чимён-85». Чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалардан репортаж.
22.30 «Умид юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Совет хотин-қизлари». Кинопрограмма.
19.10 «Техникавий изланиш йўлларидан». ЎзССРда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор А. Маҳсумов ҳақида телеочерк (рус.).
19.30 Ўқув программаси.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Буюк сатирик». А. П. Чехов туғилган куннинг 125 йиллигига.
21.30 МТ II

чоршанба

16 ЯНВАРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ойдинда отлар». Телевизион бадиий фильм.
10.50 «Саёҳатчилар клуби».
11.50 «Бу ҳақда индамасликка тўғри келарди». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
13.15 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Хотирада мангу». Илмий-оммабоп фильмлар: «Авлодлар учун хабар», «Хотира дафтари». «Лочинлар ҳам парвоз этишди».
16.05 «Биз Волгада яшаймиз».
16.35 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.10 А. Дворжак. «Афсоналар».
17.25 Россияда 1905—1907 йилларидаги революциянинг 80 йиллигига. «Партия ҳақида ҳикоялар». «Эски дунёдан воз кечамиз».
18.10 «Сайловлар олдидан».
18.25 РСФСР халқ артисти Ю. Казаков чалади (баян).
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал.
19.40 «Дунё ва ёшлар».
20.15 «Бу ҳақда индамасликка тўғри келарди». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
21.30 «Время».
22.05 М. И. Глинка номли вокалистларнинг XI Бутуниттифоқ конкурсида.
23.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Қўёш рассоми Аристах Лентулов». Илмий-оммабоп фильм.
12.05—12.40 «Онамларнинг мактаби».
14.30 —15.25 «Унутиш мумкин эмас». (1948 йил Теҳронда бўлиб ўтган уч давлат раҳбарларининг конференцияси ҳақида).
16.30 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Красний Октябрь» кондитер фабрикаси клубининг духовой оркестри чалади.
19.00 «Ҳамдўстлик».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Баскетбол. Кубок эгаларининг кубоги учун. Эркаклар. «Жальгирис» (Каунас) — «Паок» (Греция). 2-тайм. Каунасдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Василий ва Василиса». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Ютуқ». Телефильм.
10.40 «Ювош келинчак». Телевизион бадиий фильм (рус.).
11.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз» (такрорий).
12.30 Ўқув программаси (рус.).
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.).
19.00 Россияда 1905 — 1907 йилларидаги революциянинг 80 йиллигига (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.05 «Ҳақиқат ва бўхтон». Атеистик мавзуларда кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Музика истиқболи эгалари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». ЎзССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ҳамда Ўзбекистон телевидениесининг қўшма рейди.
22.30 «Умид юлдузи». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 Янгиликлар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

15 ЯНВАРЬ, 1985 й.

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/I да **Парвона**, 16/I да **Отелло**, 17/I да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/I да **Тоҳир ва Зуҳра**, 17/I да **Мангулик.**

КИНО

15 ЯНВАРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДИСКО РАҚҚОСИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45; кичик зал — 17, 19.30, телефон 44-21-34); **Восток** (18.30, 21.00, телефон 91-14-61); **Мақсуд Шайхзода номли** (18.30); **Чайка** (18.30, 21.00, телефон 77-06-20); **Нукус** (18.30, 21.00, телефон 46-47-74); **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (17.30, 20.00, телефон 78-47-25); **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92); **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ҚОРА ЛОЛА» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01); **Собир Раҳимов номли** (тоқ сбатларда, телефон 48-46-71); **Ватан** (тоқ соатларда).

«ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ ТЕРГОВ» — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ИККИ ЁҚЛАМА ҚУВИШ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-02).

«ҚУМУШ ОРЗУ» ПОЙГАЧИСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59); **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

16 ЯНВАРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДИСКО РАҚҚОСИ» — **Санъат саройи** (катта зал—16, 18.30, 20.45; кичик зал—17, 19.30, телефон 44-21-34); **Восток** (16, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61); **Мақсуд Шайхзода номли** (16, 18.30); **Чайка** (16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20); **Нукус** (16, 18.30, 21.00, телефон 46-47-74); **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (17.30, 20.00, телефон 78-47-25); **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92); **Дружба** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ҚОРА ЛОЛА» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01); **Собир Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71); **Ватан** (тоқ соатларда).

«ИККИ ЁҚЛАМА ҚУВИШ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-02).

«ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ ШАНБАДАН ДУШАНБАГАЧА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 33-44-52); **Ҳамза** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59); **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ ТЕРГОВ» — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ҚУМУШ ОРЗУ» ПОЙГАЧИСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

СССР ГОССТРОЙИ

Бутуниттифоқ сув таъминоти, канализация, гидротехника иншоотлари ва инженерлик гидрогеологияси илмий-тадқиқот институти

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходим: саноат оқава сувларини тозалашнинг физика-химиявий методлари лабораторияси.

Конкурс муддати —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адрес бўйича директор номига юборилсин: 700043, Тошкент шаҳри, 6-Хива проезди, 50-уй.

Маълумотлар олиш учун телефон — 78-44-37.

Бутуниттифоқ химиявий технология илмий-тадқиқот институти коллективи институт тажриба заводининг цех бошлиғи, химия фанлари кандидати Б. А. Абдуазимовга акаси

Уткир АБДУАЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалик институти коллективи институт кафедрасининг доценти К. А. Яхёевга онаси

Рисолат АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлиги, партия комитети ва бирлашган касаба союз комитети инженерлик-техника бўлими катта инженери Л. Ф. Козновага онаси

Мария Александровна КОЗНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—13530. Индекс 64690. А-2025. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.